

**WAYS TO DEVELOP CREATIVE COMPETENCE OF STUDENTS ON
THE BASIS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES****Mukhamedova Guli Bahodirovna**

The Ministry of Higher and secondary special education of the Republic of Uzbekistan doctarant of the Institute of pedagogical innovation vocational education management and retraining of pedagogical personnel and their professional development

ANNOTATION

Teaching foreign languages is important in the development of students ' reading, understanding, thinking, building, new ideas, creativity, entrepreneurial competence, modern professional skills and qualifications, and in the international labor market to compete on a par with their peers.

Дунёда хорижий тилларни ўқитишга оид мотивацияларини шакллантиришга қаратилган методикани такомиллаштириш, таълимни дидактик лойиҳалаш, креатив компетентликни ривожлантириш, ўқитиш жараёнида замонавий талабларга жавоб берадиган метод, усул ва воситалардан фойдаланиш, уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хорижий тилларни ўқитиш бўйича Л.К.Сальная (чет тили мулоқотига касбий йўналтириш), О.Н.Федорова (компетентлик ёндашувда инглиз тилига ўргатиш), Н.А.Газова (инглиз тили тилида мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш), Т.Н.Сухарева (инглиз тили материаллари асосида сўз ишлатишда коммуникатив стратегияларни шакллантириш), Ж.В.Ильин (инглиз тилини ўрганиш жараёнида касбий ўз-ўзини англаш) ларнинг тадқиқотларида компетентлик тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиқ берилган.

Сўнгги йилларда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида креативлик сифатларини шакллантириш, мактаб таълими соҳасида креативликни ривожлантириш, ижодкорликнинг назарий асослари, креатив

ёндашув асосида кўникма, малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, креативлик асосларини ўрганиш бўйича Дж.Гилфорд¹, Е.Торранс², К.В.Тейлор³, А.Маслоу⁴, Т.Ф.Башина⁵, Ю.Г.Волков⁶, Д.Б.Богоявленская⁷, Е.П.Ильин⁸, Л.Б.Ермолаева-Томина⁹, В.В.Мороз¹⁰, А.М.Салогуб¹¹, Н.А.Муслимов¹² каби соҳа мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларидан кўриш мумкин.

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрлигини тавсифловчи ва

¹ Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта. Психология мышления. – М.: Прогресс, 1965. - 14 с.

² Torrance E.P. The Torrance test of creative thinking: norm-technical manual. – Bensenville, IL: Scholastic testing service. Inc., 1974.

³Taylor C. W. (1988). Various approaches to and definitions of creativity. In R. J. Sternberg (Ed.), The nature of creativity: Contemporary psychological perspectives (pp. 99-121). New York, NY, US: Cambridge University Press.

⁴Маслоу А. Г. Дальние пределы человеческой психики / пер. с англ. А. М. Татлыбаевой. СПб., 1999. 432 с.

⁵Башина Т.Ф. Формирование креативной компетенции студентов вузов как актуальная социально-педагогическая проблема URL: http://www.rusnauka.com/4_SND_2013/Pedagogica/2_128022.doc.htm (дата обращения 10.05.2017).

⁶Волков Ю.Г. Возникновение и современное состояние российского креативного класса // Вестник Института социологии. 2012. № 5. С. 110; Волков Ю.Г. Социальное значение креативного класса в российском социуме // Гуманитарный ежегодник. 2014. №13. С. 234-241.

⁷Богоявленская Д.Б. Исследование творчества и одаренности в традициях процессуально-деятельностной парадигмы // Основные современные концепции творчества и одаренности / Под ред. Д.Б. Богоявленской. - М.: Молодая гвардия, 1997. – 402 с.

⁸ Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009. – 448 с.;

⁹ Ермолаева-Томина Л. Б. Психология художественного творчества. – М.: Академический Проект, 2003. – 304с.

¹⁰ Мороз В.В. Развитие креативности студентов: монография / В.В. Мороз. – Оренбург: ОГУ, 2011. – 183 с.; Морозов А. В. Формирование креативности преподавателя высшей школы в системе непрерывного образования: дис. ... д-ра пед. наук : 13.00.08 / Морозов А. В. – М., 2004. – 445 с.

¹¹ Салогуб А.М. Динамика престижности профессий и тенденции развития креативного управления // Гуманитарий Юга России. 2012. № 3. С. 56-62.; Салогуб А.М. Инновационная деятельность организации: креативность персонала // Университетские чтения - 2016. Материалы научно-методических чтений ПГЛУ. 2016. С. 86-94.

¹² Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004; Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.

мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.¹³ Талабаларни ижодкорликка, ижодийликка ўргатишга асосланган фаннинг ҳам ривожланишига асос бўлди.

Креатив педагогика – шахс (ўқувчи, талаба)ни ўқишга, таълим олишга ижодий ёндашишга, ўзининг ва ўз келажагининг яратувчиси бўлишга ўргатадиган фан¹⁴.

Шахснинг ижодкорлиги инсоннинг ички ресурси, унинг ўзгаришига, стереотиплардан ташқарига чиқишига, мураккаб муаммоларнинг асл ностандарт ечимларини топишга, жамиятда ўз ўрнини муваффақиятли аниқлашга тайёргарлигини белгилайди.¹⁵

Мана шу ўринда Д.Б.Богоявленская креативлик шахснинг умумий характеристикаси ва шахсий фаолиятининг намоён бўлишидан қатъий назар ижодий маҳсулдорликка таъсир қилишини таъкидлаб ўтади.¹⁶

Тадқиқотларда ижодкорлик ва интеллектуал қобилиятларнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда фарқли томонлари таҳлил қилинган.

Т.А.Барышева ҳамда Ю.А.Жигаловаларнинг фикрича ривожланиш ва намоён бўлиш ижодкорликда инсоннинг ижодий фаолият соҳасидаги онгли компетенция даражаси билан бевосита боғлиқдир.¹⁷ И.П.Особов эса талабаларнинг касбий ривожланишига мос равишда педагогик ижодкорликни компетерция билан ҳам боғлайди. Бу ўринда касбий ривожланиши ва педагогик ижодкорликнинг ўзаро боғлиқлигини ноодатий вазиятларда ностандарт ечимларни излашга, педагогик ижодкорликни мустақил равишда намоён этишда потенциал ижодкорлигини амалга ошириш учун асос яратилишини исботлашга ҳаракат қилиб, билимларни эгаллаш ва уларни

¹³Педагогикадан атамалар луғати. – Тошкент: Фан, 2008. – 196 б.

¹⁴ Иноятлов У.И., Муслимов Н.А., Рўзиева Д.И., Усмонбоева М.Ҳ. Педагогика.– Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2016. – Б. 226.

¹⁵Башина Т.Ф. Креативность как основа инновационной педагогической деятельности / Т. Ф. Башина // Молодой ученый. – 2013. – № 4. – С. 521-525.

¹⁶Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. / Е.П.Ильин. – СПб.: Питер, 2009. – 443 с.

¹⁷БарышеваТ.А. Психолого-педагогические основы развития креативности / Т.А. Барышева, Ю.А. Жигалов. – СПб. : СПГУТД, 2006. – 268 с.

<https://conferencea.org>

ижтимоий, касбий вазиятларда самарали, ижодий қўллаш мумкинлигини таъкидлайди.¹⁸

хорижий тилларни ўқитиш асосида талабаларнинг креатив компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш, ижодий фикрлашга, янги ғояларни ўйлаб топишга, уларни халқаро ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил ҳисобланади. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади¹⁹. Шундай экан, креативлик иқтидорнинг муҳим белгиси бўлиб, талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлаш билан бирга зеҳн ўткирлигини ҳам белгилаб беради.

Ўқув машғулотларида етишмаётган омил–креативлик саналади.²⁰ Дарҳақиқат, хорижий тилларни ўқитиш асосида талабаларнинг креатив компетентлиги, ижодкорлик қобилияти изчил ўқиб-ўрганиши, ўз устида ишлаши орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Бунда хорижий тилларни ўргатиш жараёнида педагог талабани ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Натижада талабада муаммоли топшириқларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда ифодалай олиш каби креатив компетентлиги шаклланиши зарур.

Компетентлик маълум бир соҳада талаба томонидан эгалланган компетенция, яъни маълум бир сифатларнинг тўлиқ шаклланган мажмуи.²¹

¹⁸Особов И.П. Педагогическая креативность и компетентность как факторы профессионального развития студентов // Гуманитарные научные исследования. – 2011. – № 3. [Электронный ресурс]. Режим доступа : <http://human.snauka.ru/2011/11/215> (дата обращения: 03.12.2014).

¹⁹Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. – Тошкент: 2015. –Б. 72.

²⁰Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

²¹Алиев И.Т. Педагогнинг касбий компетентлиги // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Республика илмий-амалий

<https://conferencea.org>

Компетентлилик тушунчаси (лотинчадан *competentia*, *competere* сўзидан олинган бўлиб — “биргаликда эришаман, қозонаман, мос келаман, тўғри келаман” деган маънони билдиради) луғатларда эса “нимадир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш”, “хабардор бўлмоқ, ҳуқуқли бўлмоқ” деган маънони билдиради.

хорижий тилларни ўқитиш асосида талабаларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришга эътибор қаратилаётган бугунги кунда ўқитувчилар олдида интерферентив хатоликларни, яъни хорижий тилни ўқитишда она тилининг талаффузидаги таъсирини бартараф этиш муаммоли масалалардан биридир. Тиллараро талаффузий хатоликлар она тилининг исталган тил бирлигида юзага келиши мумкин. Тилшунос олим Н.С.Трубецкой “Биз, одатда, ўзга нутқни эшитиб таҳлил қилиш жараёнида беихтиёр она тилида бирламчи ҳисобланадиган фонологик сузғичларимизни ишлатамиз. Бизнинг сузғичларимиз бошқа тилга мос келмаслиги табиий ҳол, албатта. Бу эса бир қатор хатоликлар ва англашилмовчиликларни юзага келтиради”, - деб таъкидлайдилар.²² Демак, хорижий тилдаги акцент у ёки бу товушни талаффуз эта олмаслик эмас, балки она тили ва хорижий тилнинг фонологик системасидаги фарқ-тафовутлардир.

Профессional таълимда хорижий тилларни ўқитиш жараёнида она тилининг талаффуздаги яъни интерфрентив хатоликларини камайтириш мақсадида аутентик ўқув материалларни, аудио материалларни, газета, журналлардан фойдаланиш, шунингдек, “тилга сингиб кетиш”ни амалга оширадиган ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш, ўрганилаётган тил хусусиятлари устида мукамал ва узлуксиз ишлаш асосида талабаларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришга эришилади.

Профессional таълимда хорижий тилларни ўқитиш асосида талабаларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришда таълимнинг самарадорлиги талабалардан ҳукм ва хулосалар чиқара олиш

анжумани материаллари. - Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. - 55 б.

²² Трубецкой Н.С. Основы фонологии. Изд.4. URSS.2012, 336 с.

<https://conferencea.org>

қобилиятини ҳам талаб қилади. Хорижий тил машғулотларида ҳукм ва хулосалар чиқариш асосида ақлий фаолият усулларини бажаришга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги ижтимоий-иқтисодий шароит профессионал таълим тизимида хорижий тилларни ўқитиш асосида талабаларнинг креатив компетентлигини ривожлантиришда мустақил равишда хорижий тилда фикрлай оладиган, ўз фикрини билдира оладиган, ҳар қандай ўқув қийинчиликларини мустақил енга оладиган шахсни тарбиялашни бош вазифалардан бири қилиб қўйди. Профессионал таълим тизимида хорижий тил таълими олдида турган бу асосий вазифа талабаларда ақлий фаолият кўрсатишни, кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, умумлаштириш каби ақлий фаолият усулларидан унумли фойдалана олишни талаб этади. Ақлий фаолият усулларига ўргатиш, аввало, талабани таълим жараёнининг субъекти(фаол ишловчиси)га айлантиришни тақозо этади. Талабалар таълим жараёнининг фаол ишловчисига айлансагина, у тил ҳодисаларини кузатиб, таққослаб, улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлайди, муайян белгиларига қараб гуруҳларга ажратади. Ҳар бир гуруҳни қандай қилиб мустақил давом эттириш мумкинлигини англаб этади, шахсий кузатишларга асосланиб, ҳукм ва хулосалар чиқара олади. Талабани таълим жараёнининг субъектига айланиши, педагогни бу жараёндан четда қолдирмайди, аксинча, унинг таъсирини кучайтиради. Бу мураккаб жараёнда ўқитувчи нафақат назоратчи, балки ташкилотчига, бевосита ўқув фаолиятининг бошқарувчисига айланади.

Кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, умумлаштириш ўзаро чамбарчас боғланган шундай ақлий фаолият усулларики, таълим жараёни уларнинг барчасини заруриятга айлантиради. Айни вақтда бу фаолият усулларининг бирортаси эътибордан четда қолса, иккинчиси кўзланган натижани бермайди. Тил ҳодисаларини таққослаш учун уларни диққат билан кузата олмоқ, гуруҳлаш учун қиёслай олмоқ, хулоса ва ҳукмлар чиқармоқ учун кузатилган, қиёсланган ва гуруҳланганларни умумлаштира олмоқ талаб этилади.

<https://confrencea.org>

Кузатиш ва гуруҳлашдан умумлашма ҳосил қилишга ўтилади. Ўқитувчи талабалардан шу бажарилган ишлар ва олдин эгалланган билимларга асосланган ҳолда умумлашма ҳосил қиладилар. Профессинал таълимда хорижий тилларни ўргатиш бўйича ҳар бир машғулот талабаларнинг ақлий фаолиятини ишга солишга ундаши лозим. Шундай қилингандагина талаба таълим жараёнининг субъекти (фаол ишловчиси) бўла олади. Бу йўл билан эгалланган билимлар, шубҳасиз, талабанинг “шахсий мулкига” айланади ҳамда креатив компетентлигини ривожлантиришга эришилади.